

Термиз туманидаги 31 та мактабда сўнги қўнғироқ жаранглади



Бугун 25 май - туманимиздаги барча мактаб битирувчилари учун “Сўнги қўнғироқ” жаранг сочди. Хусусан, 29 та умумтаълим ва 2 та айрим фанлар чуқурлаштириб ўтиладиган мактабларда сўнги қўнғироқ чалинди. Жорий йилда мазкур илм даргоҳларида 1 минг 188 нафар 11-синф битирувчилари ўқишни якунламоқда.

Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров Қаҳрамон маҳалласи ҳудудида жойлашган 5-сонли мактабда “Сўнги қўнғироқ” тадбирида иштирок этиб, Президентимизнинг мамлакатимиз мактаблари битирувчиларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Туман ҳокими битирувчиларни мактаб таълимини муваффақиятли якунлаётганликлари билан табриклаб, уларга катта ҳаётда омад ва оқ йўл тилади. Иқтидорли ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ташаккурномалар топширилди.